



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 11 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишдан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43 та йўналиш бўйича 252 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қончилигига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан республика миқёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларнинг Давлат бюджетига жамланадиган маблағлари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган етмиш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Давоми 2-бетда.



У.А. олган сурат.

### ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўллаб-қувватланиб, ишчи гуруҳ ташкил этилган эди.

### Ишчи гуруҳи йиғилишида электорат манфаатларига доир тақлифлар кўриб чиқилмоқда

Кун кеча бўлиб ўтган йиғилишда қонун лойиҳаси бўйича партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган дастлабки тақлифлар кўриб чиқилди. — Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат мулкни бошқаришни тартибга солишга қаратилган етарли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Тиллабоев. — Шунингдек, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бугунги босқичида хусусий мулк институтини мустақамлаш ва миллий иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш билан биргаликда, давлат мулкни бошқаришнинг аниқ йўналишга эга, иқтисодий ва манжий жиҳатдан самарали бошқариш тизimini яратишга зарурият туғилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса давлат мол-мулкни мамлакатда ҳам, ундан ташқарида ҳам самарали бошқаришга йўналтирилган ҳуқуқий асосларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, турли давлат мулки объектларини бошқаришнинг ягона тизimini яратиш, унинг тузилиши ва таркибини бир қатор тармоқларда оптималлаштиришга хизмат қилишини ҳам инобатга олиш лозим. — Яна бир муҳим жиҳати, қонун лойиҳаси давлат мулкни бошқариш тизimini янада такомиллаштиришга йўналтирилган, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулназа Эрназарова. — Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат акция улушларини корпоратив бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, давлат мулки субъектларининг ўзаро муносабатлари ва уларнинг давлат мулкдан самарали фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш учун жавабгарлигининг ҳуқуқий асослари мустақамлашмоқда.

Ишчи гуруҳ таъкидлаганидек, қонун лойиҳасида назарда тутилган қатор масалалар ЎзХДП дастурида ўз ифодасини топган мулк муносабатларининг янги тизimini шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига доир вазифалар самарали ҳал этилишига хизмат қилади. Йиғилиш якунига кўра, ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилган тақлифларни фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилишга келишиб олинди.

Гулуҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1.Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин: Раҳат Аминбаевич Исмаилов, Гулнара Ахатовна Парпиева, Шухрат Эсанбаевич Ражабов, Хасан Сунайтиллаевич Эгамбердиев.
- 2.Азамат Хожамуратович Баймуратов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
- 3.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 11 апрель

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:
- 1.Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин: Шухрат Тагаймуратович Полванов, Муйдинжон Мухторович Салимов, Амирхон Солих ўли Сидиков, Махмуд Уразбоевич Эшимбетов.
  - 2.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 11 апрель

## Берилган ваколат ва имконият

янада фидойи бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилишни талаб этади

### ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми ҳар қачонгидан қизгин ва амалий тусда ўтди. Пленумда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига қўшимчалар киритиш, партия гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, тарғибот таъсирчанлигини таъминлашда замонавий усуллари жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.



Давоми 2-бетда.

### БАНДЛИК

#### Ёшлар ишли бўлди

Аҳолининг замонавий эшик-ромига бўлган талабини қондириш мақсадида Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Эшқувватов Азия» МЧЖда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Натيجанда 10 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкили қилади. Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

#### Ибратли ташаббус

Яқинда Уйчи туманидаги Ровот шаҳарчасида бўлганимда ЎзХДП «ФАОЛ аёллар» қаноти туман бўлими томонидан ўтказилаётган тадбирда тасодифан иштирок этишимга тўғри келди. Очиги, «ФАОЛ аёллар» қанотининг ўзига хос лойиҳаси эътиборимни тортди.

Лойиҳа «Хабарингиз борми, эгачи?» деб номланаркан. Лойиҳа доирасида ўтказиладиган «Газета кун» тадбири, айниқса, маъқул бўлди. Шу кун фАОЛ аёллар вакилларидан иборат тарғиботчилар туман, вилоят ва республика газеталарида чоп этилган энг қизиқар-

ли мақолаларни маҳалла аёллари-га ўқиб эшиттирди, сўнгра улар юзасидан суҳбат ташкил этилди. Фикр- алмашув, баҳс-мунозара жуда қизиқари ўтди. Мен ҳеч қайси партияга аъзо бўлмасам-да, уйчилик ЎзХДП фАОЛ аёлларнинг бу тажрибасини бошқа жойларда ҳам қўлланишини тавсия этардим. Чунки бу усулдаги тарғибот қишлоқ аёллари, айниқса, уйда ўтирган хотин-қизлар учун самарали ва фойдали бўлади, деб уйлайман.

Мўътабар ТУРҒУНОВА, Наманган шаҳридаги 66-мактаб ўқитувчиси.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

## Ижтимоий шериклик

фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир



www.uzbekistonovozi.uz

### ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

## Давлат дастурида белгиланган эзгу мақсадлар

партиямиз дастурий ғоялари, оилаларимиз, фарзандларимиз тақдири билан узвий боғлиқ. Шу боис унинг ижросида ҳар биримизнинг муносиб ҳиссамиз бўлиши лозим

Тўртқул туман кенгашида «Соғлом бола йили» Давлат дастури тарғиботига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, туман Кенгаши депутатлари, «ФАОЛ аёллар» қаноти аъзолари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди. — Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман партия кенгаши раиси Ойбек Худайбергенов. — Оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар қабул қилинди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш орқали ёш авлод саломатлигини мустақамлаш, жамиятда соғлом

турмуш тарзини қарор топтиришга эришилмоқда. Шунингдек, оилаларнинг моддий ва маънавий асосларини мустақамлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишлар ўзининг қувончли самарасини бераётди. Биламизки, бола ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши оила, маҳалла ва жамиятдаги муҳитга, таълим-тарбия ва тиббий хизматлар сифатига чамбарчас боғлиқ. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ушбу масалаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратилгани партиямиз дастурий мақсадлари рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутди. — Ҳақиқатан ҳам давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг

ўрни ва ролини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги кенг кўламли ишларнинг самарасини ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз, — деди «ФАОЛ аёллар» қаноти туман бўлими етакчиси Раҳатой Юсупова. — «Соғлом бола йили» Давлат дастури бу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Биз бу вазифаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишимиз, айниқса, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга оширишга қаратилган ислохотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга қаратилган тадбирларни янада изчил олиб боришимиз зарур.

Тадбирда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга авлодни тарбиялашга доир вазифалар ижросида партия ташкилотлари, бошланғич ташкилотлар ҳамда депутатлик гуруҳларининг алоҳида ўрни бўлиши кераклиги таъкидланди. Бу борада тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Гулнара КАЛИМБЕТОВА, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори муdiri.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашидаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг ўтган йилги фаолияти натижалари ва жорий йилдаги устувор вазифалари таҳлил этилди.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ҳамда уларнинг самардорлигини ошириш, моливий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-лар кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини** муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги** фаолияти атроф-муҳитни муҳофазат қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14 та асосий йўналиши бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофазат қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Табиати муҳофазат қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг sanoat корхоналарида атмосферага иф-

лослантувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда — 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикланмаган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятли объектларида қуёш фотоэлектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишлари тугалланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофазат қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўйбга чиқариш борасидаги ишонинг самардорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофазат қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича кўшимча чора-лар кўриш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсияларни баён этидилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини** тингладилар. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онгли ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди. Аниқ давлат бошқаруви

органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиб бориш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403 та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асносида аниқланган қонун ҳужжатларини бўзиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18 та давлат тузилмаси тизимида 16 та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-лар кўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қонунбузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга, жамиятда қонуннинг, қонунийликнинг устунлигини қарор топтиришга қаратилган 957 та таъсир кўрсатиш чораси кўрилган. Манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирish ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш тақлиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини та-



Самнер ШОТЛУҒАНОВ олган сурат.

комиллаштириш бўйича аниқ чора-лар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва тақлифларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизация-

лаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги фойда муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, янги тахрирдаги «Акцидорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини рўйбга чиқариш бозор ислохотларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда хавфсизликни, барқарорликни ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилли бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## СЎЗ — ҲАҚИҚАТ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА!

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишидир. Шу сабабли юртимизда миллий матбуот ривожига, уни эркин фикр минбарига айлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Конституцияимизнинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қўнуға мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғригили учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Пензурага йўл қўйилмайди», деб қатъий белгилаб қўйилган. Бу конституциявий метёр оммавий ахборот воситаларининг том маънода эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, соҳага оид бир қанча қонунлар қабул қилинишига асос бўлди.

## Миллий ахборот бозори

### янада ривожланади

Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги газета ва журналлар, радио ва телевидение ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган ҳамда ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қиладиган 10 га яқин қонун қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий асос юртимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, воқеа-ҳодисаларга муносабатини эркин ифода этидиган минбарга айлантириш учун муҳим кафолатлар яратди.

Натижада оммавий ахборот воситалари сон ва сифат жиҳатдан янада юксалди. 1991 йилда уларнинг сони 395 та эди. Бугунга келиб эса 1300 дан ортиқ. Нодавлат нашрлар сони 31 тадан 848 тага етди. Шунингдек, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баробарга кўпайди. Бугунги кунга келиб босма нашрларнинг 60 фоиздан зиёди, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келди. Агар газета ва журналлар, телевидение ва радиоканаллар фаолиятига назар солсак, уларда ёритилаётган материалларда фикр юритиш, эътиқод ва сўз эркинлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини кузатиш мумкин. Аҳамиятли жиҳати, йил сайин оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам бу масалага яна бир бор алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда, энг аввало, давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашга қаратилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги махсус қонунларни қабул қилиш билан бирга «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қиладиган бошқа қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этиляпти. Айтиш жоизки, жаҳоннинг етакчи давлатларида ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини белгиловчи бундай алоҳида қонунни учратмайсиз. Ҳўш, мазкур қонуннинг оммавий ахборот воситалари учун қандай аҳамиятли жиҳатлари бор?

Аввало, бу орқали оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ахборот соҳасига демократик бозор механизмлари жорий этилиши янада чуқурлаштирилади. Оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолият юритиши ва ривожланишининг зарурий шарти сифатида уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади ҳамда моливий барқарорлигини тўлақонли таъминлаш имконияти кенгайди.

Бугунги куннинг талаб ва эhtiёжларидан келиб чиқиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган ҳам ахборот соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиб, журналистикани янада ривожлантириш, қалам аҳлининг жамиятдаги нуфузини, моддий манфаатдорлигини оширишга имкон беради.

Умуман олганда, ОАВ фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамлашни унинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, уларнинг мустақил фаолият юритиши учун иқтисодий асосларни кучайтириш ва миллий ахборот бозорини янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Зеро, сўз ва оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги кафолатланиши демократиянинг муҳим белгисидир.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

## ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

# Берилган ваколат ва имконият

янада фидойи бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилишни талаб этади



— Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий таррақийнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда уларнинг ролин кескин кучайтириш юзасидан билдирилган фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда ишимизни ташкил этаймиз, — деди ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Дилором Абдурахимова. — Бундан ташқари, ЎзХДП Марказий Кенгаши пленумида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб,

«Соғлом бола йили» Давлат дастури самарали ижро этилишини назорат қилиш, бу жараёнда фаол иштирок этиш чора-тадбирларини аниқ белгилаб олишимиз керак.

Таъкидлаш керакки, 2013 йилда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан 6 масала доимий комиссия ййгилишларида, 5 масала эса сессияларда муҳокама этилган. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлигини ҳисоботи эшитилди.

Таъриба шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, фу-

қаролик позициясини шакллантиришда тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий-сиёсий тадбирларни юқори савияда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада партия ташкилотлари қошида ташкил этилган ахборот-маърифат хоналари асосий ўрин тутди. Шу боис Мингбулок, Учқўрғон, Норин ва Янгиқўрғон туман партия кенгашларидаги ахборот-маърифат хоналари фаолиятини янада жонлантириш, уларни зарур ўқув қўлланмалар, сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашни даражасини ошириш керак.

— Соғлом бола йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ёшлар иштирокисиз удралаш кийин, — дейди «Истикбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси Мўътабар Қозиева.

— Партияимиз дастурий гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этиш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ёшлар иштирокини янада кучайтиришимиз зарурлигини аниқлаш керак. Яқинда «Ёш сиёсатчилар клубининг» янги Низомини кўриб чиқдик. Сафимизга истеъдодли, ташаббускор, интилувчан ёшлардан бир гуруҳини қабул қилдик. Улар

тарғибот-ташвиқот ишларига астойдил киришди. Бундан ташқари, қанотимиз аъзолари ҳамда партия гуруҳлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар билан ўзаро фикр алмашишни йўлга қўйганмиз. Бу таъриба ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама, чуқур ўрганишга замин яратди.

Яқинда тенгдошларимиз ташаббуси билан худудда туризм хизматини йўлга қўйиш бўйича тақлифлар тайёрланди, юқори партия ташкилот ва депутатларга тақдим этилди. Ушбу масаланинг ҳал этилиши янги иш ўринлари яратилиши, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга хизмат қиладди.

— Таҳлилларга кўра, партия ташкилотлари олиб бораётган оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот тадбирларида дастурий гоёлар, келгуси режаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлмоқда, — дейди **Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилоят ҳудудий бўлими етакчиси мутахассиси Нигора Нуралиева.** — Шунингдек, аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ЎзХДПни биладиган, унинг фаолиятидан қисман ва тўлиқ хабардор кишилар нисбатан кўпчиликини ташкил этади.

## Партияимиз дастурий гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этиш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ёшлар иштирокини янада кучайтирамиз.

Яна бир масала. Депутатлик назорати учун энг муҳим усуллардан бири — бу эшитув институтидир. Партия гуруҳлари электротратни ўйлантираётган масалаларни аниқлаш ва уларга ечим топиш бўйича ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш амалиётини ривожлантириш лозим, деб ўйланган.

Пленумда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Зокиржон Холматов сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленум якунида кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

# Сиёсий партия

## бошланғич ташкилотдан бошланади

### КУЧЛИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯ САРИ

Сиёсий партияга аъзо бўлган фуқаро бошланғич партия ташкилоти фаолиятида иштирок этади. Унинг партия ҳақидаги илк тасаввур, қарашлари айнан бош бўғинда туғилади. Партия аъзосининг қай даражада фаол бўлиши ҳам бошланғич партия ташкилотига, унинг иш услубига, ташаббускорлигига боғлиқ. Партия аъзосининг сиёсий фаолияти, саводхонлиги, дунёқарashi, фикр-мулоҳазалари, тортишувлар, баҳслар, аввало, мана шу бўғинда шаклланади.

Сиёсий майдонда мустақкам ўрин эгалламоқчи бўлган партия асосий эътиборни бошланғич ташкилот фаолиятини кучайтиришга қаратади. Бошланғич ташкилот аъзолари партия ҳаётида фаол иштирок этиши, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириши жамиятда фикрлар хилма-хиллигининг шаклланишига замин яратлади.

Кучли бошланғич партия ташкилотидан — кучли партия сари гоёси бош мақсадга айланishi лозим. Ушандагина сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи, обрўи ортади. Мухим тадбирлар, семинар-

тренинглари айнан бошланғич партия ташкилотларида кўпроқ ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда юқоридан қуйиға эмас, қуйидан юқорига механизми ишлаши керак. Бошланғич партия ташкилоти етакчилари учун махсус ўқувлар ташкил этиш, сиёсатшунослар, томонидан тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш гоётда зарур.

Сиёсий партиянинг кучи, қудрати бошланғич партия ташкилотлари тимсолида намоён бўлади. Бунда асосий масъулият бошланғич бўғин етакчиси зиммасига туша-

ди. У партия гоёларини тарғиб қилиши, одамларни ўз ортидан эргаштириши, ижтимоий шериклар билан ҳамкорлик қилиши, маслақдошлар, хайрихоҳлар топиши лозим. Шунингдек, бошланғич партия ташкилоти етакчиси юқори марраларга интилиши, депутат, туман, шаҳар, вилоят партия кенгаши раиси даражаларига эришиш учун ҳаракат қилиши керак.

Бунинг учун сиёсий адабиётларни, партия нашларини мунтазам равишда ўқиб бориши, ўз фикрлари билан матбуотда чиқишлар қилиши, партиянинг гоёси, ҳаракат дастури тўғрисида мустақил

фикрга эга бўлиш, ўзи ва сафдошларидан партия ишига масъуллик туйғуларини шакллантириши жуда муҳимдир.

Партия электорати дуч келаётган муаммоларни бошланғич ташкилот батафсил билиши, таҳлил қилиши, ўша ҳудуддан сайланган партия депутатлик гуруҳи эътиборини ушбу масалалар ечимига қаратиши зарур.

Сиёсий партия бошланғич ташкилотлар сони билан эмас, балки, амалий ишлар самарадорлиги, натижалари билан кучлидир. Сиёсий партияни бир бутун технологияга қиёслайдиган бўлсак, ундаги бош-

ланғич ташкилот унинг пойдевори, таянчи ҳисобланади. Демак, сиёсий партиянинг қандай бўлиши, аввало, бошланғич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Бошланғич ташкилот кучи эса унинг етакчиси қимлигига, аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва партия гоёларига эътиқодига боғлиқ.

#### Фаррух ХАМРОЕВ

**Суратда:** Пойтахтимиздаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғинида тузилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Вилоят Худойбердиева ёш аъзолар билан.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кам таъминланган, туғма нуқсонли, ортопедик касалликларга чалинган беморларни тезкор даволаш, қуйишнинг асoratлари бўлган болаларни пластик операциялар қилиш борасидаги хайри ишларда «Соғлом авлод учун» халқаро хайри фонднинг алоҳида ўрни бор. Ана шундай болаларни аниқлашда фонд, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг «Freundschaft International» халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида қўриқлар ўтказиб келинмоқда.

## Мурувват

Шундай тадбирлардан бири куни кеча бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида жойлашган фонднинг тиббий-ижтимоий марказида Фаргона, Андижон, Наманган, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри вилоятлар ва туманлардан келтирилган беморлар мутахассислар томонидан текширилди.

— Набирам Моҳири 5 ёшда, — дейди Фаргона вилоятидан келган Эркиной Одилова. — Унинг оёқ териси 2 ёшга тўлган вақтда оғир даражада қуйган эди. Илк даволаш жараёни Андижон вилояти клиникаларида берида бўлди. Операция давомида терига ёпишган бош панжа очилиб, қолганлари кесиб ташланган эди. Умид билан соғайиб кетиш илҳинида келдик...

Қўриқ жараёнидан сўнг энг оғир деб топилган беморлар шу йилнинг август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаш учун 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга жўнатилди.

**Саидбобур МАКСУМОВ,** ЎзДЖТУ талабаси.

### ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида «Олий ҳарбий таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

## Чет тилларини ўрганиш

ҳарбий соҳада ҳам муҳим эканлигини даврининг ўзи кўрсатиб турибди



Анжуманда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлири етакчи мутахассислари, ҳарбий билим юрти курсантлари иштирок этиди. Маълумки, чет тилларини ўрганиш мамлакатимизда муҳим вазибалардан бири сифатида белгиланди. Ҳарбий билим юртиларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, бугунги кунда чет тилларини ўрганиш табиий эҳтиёжга айланиб улгурди. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари ҳар кишидан илм-фан, ижтимоий ҳаётдаги олам янгиликлари билан доимий танишиб боришни талаб қилмоқда. Бу эса ўз она тилини қадрлаган ҳолда чет тилларини ҳам чуқур ўрганишни талаб этади.

Тадбирда чет тилини ўқитишдаги назарий-услубий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари, таълимда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, ҳарбий олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари каби масалаларга оид маърузалар тингланди.

— Ҳозирги кунда кўпчилик олий таълим муассасаларида чет тили фани бўйича машғулот мавзуларини белгилашда анъанавий ёндашув устунлик қилиб келмоқда, — дейди ИИВ Академияси «Тиллар ва адабиёт» кафедраси бошлиғи Муҳиббек Рустамов. — Яъни, машғулот учун бош мавзу сифатида грамматика олиниб, дарс давомида бажариладиган барча амаллар шу мавзунинг тушунтириш ва уни мустақамлашга қаратилди. Бунинг натижасида талабалар чет тили грамматикасини назарий жиҳатдан пухта эгаллаган бўлишига қарамай, мулоқотни амалга оширишда жиддий қийинчиликларга учрайди. Бу муаммони ҳал этиш учун машғулотнинг бош мавзуси си-

фатида мулоқот жараёни олиниши тавсия этилади.

Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази «Ахборот-коммуникация технологиялари» кафедраси доценти Фарҳод Акбаров ўзининг «Ҳарбий таълим муассасаларида чет тилларини тезкор ўрганиш усуллари» номили маърузасида чет тилини ўқитишни икки босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Биринчи босқичда кундалик ижтимоий ва маиший турмушда юзага келадиган вазиятларда мулоқотни амалга ошириш қўниқмалари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Иккинчи босқичда касбий ва илмий фаолиятда юзага келган вазиятларда мулоқотни амалга ошириш ўргатилади.

— Фикримизча, инглиз тилини самарали ўрганишда қуйидагиларга амал қилиш яхши самара беради, — деди у. — Хорижий тилдаги ҳарбий соҳага таллуқли бўлган атамаларни самарали ўргатиш методикасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш имтиҳонларида ёзиш ва гапириш талабларини киритиш, дарсларда камроқ вақтни қоидаларни ўргатишга ва кўпроқ вақтни амалий жараёнларга сарфлаш. Бундан ташқари, компьютерда чет тилини ўргатадиган дастурлардан оқилана фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Иштирокчиларнинг фикрича, ўтказилган семинар келгусида курсант, тингловчи ва талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ва чет тилларини ўрганишга қизиқишини ривожлантиришга ва Ватан ҳимоячиларини ҳар томонлама пухта тайёрлашга ижобий таъсир кўрсатади.

**Ўз муҳбиримиз.**

## Банк тизимидаги ютуқлар намоёиш этилди

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII «BankExpo — 2014» Миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, Банклар ассоциацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада «Хамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳам ўзининг янги замонавий технологиялари ва махсус хизматлари, интернет хизматлари, хусусан, мижозларнинг интернет орқали жалб этилиши замонавий услулари каби банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи янги ахборот дастурлари билан қатнашди.

**Айниқса, инновацион банк хизматлари бўйича инновацион табло, инфоқосба, интернет банкинг киоск каби мижозларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиши**

турлари иштирокчилар эътиборини тортди. Шунингдек, электрон навбат қуттиш тизими, микрокази, on-line ариза қаби мижозлар учун қўшимча хизмат турлари ҳам кўпчиликка мансур бўлди.

Масалан, Информацион табло ўзининг жозибадор кўринишига эга бўлган 42 дюмли сенсорли экран билан жиҳозланган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ускунаси. Ҳозирги кунда информацион таблолар вилоят марказлари ва Тошкент шаҳридаги филиалларда мавжуд.

— Бугунги кўргазмада биз сенсорли экран ёрдамида бошқариладиган технологияларимиздан бирини намоёиш этимоқдамиз, — дейди «Хамкорбанк»нинг маркетинг бошқармаси етакчи мутахассиси Шамшод Ғозиев. — Айни вақтда сенсорли маълумотлар таблоси мижозлар хизматида. Оператор ва мутахассислар банд бўлса, мижозлар табло орқали банк хизматлари ҳақида маълумотлар олиши мумкин. Банк филиалларининг жойлашиш



ўрни, кредитлар, омонатлар, уларнинг миқдори, пластик карта турлари шулар сирасидандир. Кўргазмада «Хамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банки томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон-фермерлар, ёш тадбиркорларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган танловлар голибларининг 12 тасига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширди.

— «Ёшлар учун ишчи ўрин ташкил қилиш лойиҳаси» йўналишида «Хамкорбанк»нинг Чилонзор филиалидан 290 миллион сўмлик имтиёзли кре-

### РЕКЛАМА ЎРНИДА

дит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатни олдим, — дейди «SCARLET DIAMOND» МЧЖ раҳбари Алишер Ҳожиёв. — Корхонамиз эркаклар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирда 50 нафар ёш иш билан таъминланган. Банк кредити эвазига яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Кўргазма даражасида банклар ўртасида ўтказилган турли номинациялар голиблари аниқланди. Хусусан, «Хамкорбанк» ОАТБ «Хорижий кредит линияларини жалб этаётган энг яхши банк» ҳамда «Инновацион гоёларни қўллаб-қувватлашга интилувчан энг яхши банк» номинациялари голиби бўлди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## «Tashkent Realtor Service» МЧЖ

барча тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади

фоизи миқдориди маблағни зақалат қилишга асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълон қўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 13 май соат 11:00 да очилди. Танлов голиби 2014 йил 23 майга қадар аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби, деб топилди.

Юқоридидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 13 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 29 май соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртма номларини қабул қилиш 2014 йил 28 май соат 18:00 да тўхта-тилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зангиота тумани ҳокимияти биносида 2014 йил 29 май соат 11:00 да очилди, танлов голиби 2014 йил 8 июнга қадар аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби, деб топилди.

Танловда катнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил катнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрлан-

### РЕКЛАМА

ган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва зақалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ, х/р: 20208000804876496001 «Ипак йўли банк» Миробод филиали, МФО:01101, ИНН:301743808.

Танлов ташкилотчиси — «Tashkent Realtor Service» МЧЖ. Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш ҳамда мурожаат қилиш учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 16-хона. Тел: (8371) 147-40-00, факс: (8371) 150-58-56, электрон почта: info@realtorg.uz.

Лицензия RR-0008.

ЎзДЖП Хоразм вилоят кенгаши вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Сабурият Ишановага отаси **Ишан АБДУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази жамоаси «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали тахририяти Бош муҳаррири ўринбосари Гулом МИРЗАЕВга акиси **Ислом МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Оилада соғлом муҳитни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда оилавий поликлиникаларнинг ўрни беқиёс. Ушбу тармоқ тиббиётнинг замонавий йўналиши бўлиб, унда ҳар бир оилага бир нафар махсус шифокор бириктирилади. Муассасада фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокори оиланинг ҳар бир аъзоси саломатлигини назорат қилибгина қолмай, балки профилактика ишларини ҳам амалга оширади.

## Оилавий поликлиникалар хизматидан аҳоли мамнун

буни Қўқон шаҳридаги 4-оилавий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин

— Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» Миллий дастурининг амалиётга жорий этилиши ўзининг юксак самарасини берди, — дейди Қўқон шаҳридаги 4-оилавий поликлиника бosh шифокори Нодира Курбонова. — Хусусан, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни, болаларни ижтимоий, тиббий муҳофаза қилишга қаратилган фармон ва қарорларига асосан юртимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Давлатимизда икки ёшгача бўлган болалар белул эмланмоқда. Бу ислохотлар натижасида полиомелит, қоқшол ва дифтерия каби касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Мазкур оилавий поликлиникада кўплаб хасталикларга таъминланган таълим-тарбия ишларида боғлиқ эмас. Боланинг тарбияси, дарсларни қандай ўзлаштириши оилада яратилган шарт-шароит ва муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун ота-онанинг фарзанд тарбиясига жиддий эътибори керак бўлади. Шу боис мактабимиз директори Қувонч Воисова ташаббуси билан ота-оналар билан мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўқувчиларимизнинг ўқиши, тарбияси билан боғлиқ ҳамма масалалар биргаликда ҳал этилади.

асоблар билан таъминланган. Замонавий асосда бунёд этилган шифо масканда «Ат-Термизий» номли ҳамда «Темирйўлчи», «Кўшчинор», «Ўрмонбоғ» ва «Дўстлик» маҳаллаларида истиқомат қиладиган 26 мингдан ортиқ аҳолига таърибали шифокорлар ҳамда ҳамширалар хизмат кўрсатмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу муассасада 104 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барча тиббиёт масканлари сингари оилавий поликлиникалар фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидандир.

— Бизнинг оилавий поликлиникамиз замонавий бинода жойлашган, — дейди Сирожиiddин Носиров. — Мен қон босими касаллигига чалинганман. Ўн тўрт йилдан бери олий тоифали шифокор Саодат Кўчқорованинг берган тавсиялари асосида даволаниб келялман. Шифокорлар ўз ишига масъулият билан ёндашишади. Барчаси таърибали, малакали ва хушмуомала. Энг муҳими, улар беморлар қачон муружаат

қилишини кутиб ўтиришмайди, аксинча хонадонма-хонадон юриб, улардан ҳол сўрашади.

— Айни пайтда поликлиникамизда саломатлик ойлиги ўтказилляпти. Бу эса аҳолини юқумли ва сурункали касалликлардан асраш ва ўз вақтида даволашда яхши самара беради, — дейди 17-«Калвак» маҳалла оқсоқоли Роматхон Мадумаров. — Ҳар бир фуқаро ўз вақтида ва тез тиббий хизмат кўрсатилаётганлигидан мамнун. Маҳалладаги маданий-маърифий тадбирларда ҳам айнан оила саломатлиги масаласига алоҳида тўхталмиш. Худудимизда яшовчи аҳоли бир йилда камиди бир марта тўла тиббий кўриқдан ўтказилади. Бу жараёнда поликлиникамиз яқинида жойлашган корхона ва ташкилотлар, мактаб, коллеж, мактабгача тарбия муассасалари ишчи-хизматчилари, ўқувчилар ва болалар ҳам қамраб олинади. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш, хасталикларни барвақт аниқлаш, юқумли касаллик-

■ Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барча тиббиёт масканлари сингари оилавий поликлиникалар фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидандир.

лар келиб чиқилишининг олдини олиш ва беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатишга қаратилган. Шунингдек, ушбу шифо маскани ҳузурда «Оналар мактаби» ташкил этилган. Бу ҳомиладор аёллар ва ёш оналарга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, маслаҳат ҳамда тавсиялар беришда муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, шифокорлар томонидан бу йўналишда кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар аила аъзоларининг тиббий-руҳий, жисмоний аҳолини мунтазам назоратга олиш, касалликларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ферузобону НАБИЕВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети магистранти.

### ДАСТУР ВА ИЖРО

«Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги Ёшлар ижодий таъриба ба 5-студияси «Соғлом бола йили» Давлат дастурига киритилган «Зумраша» болалар ҳажвий киножурналини ишлаб чиқаришга киришди. Бу ҳақда [uzbekkino.uz](http://uzbekkino.uz) сайти хабар бермоқда.

### «Зумраша» болалар киножурнали

12 тўпلامда тасвирга олиниб, катта экранга чиқарилади

Ёшлар ижодий таъриба 5-студияси директори Иззатилла Саиджабборовнинг билдиришича, Дастурда бир йилда ҳар бири 4 эпизоддан иборат 15 дақиқалик 12 та «Зумраша» юмористик болалар киножурнали ишлаб чиқариш белгиланган. — Ушбу киножурнал ёш кино ижодкорлар учун ўзига хос таъриба мактаби вазифасини ҳам ўтайди, — дейди Иззатилла Саиджабборов. — 12 тўпلامли киножурнални тасвирга олиш учун 48 кишидан иборат ижодкорлар гуруҳи керак бўлади. Ушбу ижодий жараёнга таниқли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев раҳбарлик қилмоқда. Айни пайтда киножурналнинг илк тўпلامي тасвирга олиб бўлинди ва у яқин кунларда катта экранга чиқади. «Зумраша» киножурнали қисмлари республика кинотеатрларида фильмлардан олдин, шунингдек, миллий ва маҳаллий телеканаллар орқали намойиш этилади.

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ

## Мактаб — эзгу ниятлар бешиги

2014 йил — соғлом бола йили

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом, билимли бўлиб вояга етиши, бирор касбни пухта эгаллаб, ҳаётдан ўзига муносиб ўрни топишини истади. Шу эзгу мақсад йўлида олиб-югуради. Фарзандларининг камолини кўрган ота-онанинг қувончини ҳеч нарса билан қисслаб бўлмайди. Ота-онасига раҳмат келтираётган фарзандлар эса албатта барака топади. Ҳаётда буни кўп кўрганмиз.

Мен шу ўринда ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Бола ўсиб, дунёқараш шаклланиб борадиган даргоҳнинг биринчиси оила бўлса, иккинчиси мактабдир. Болани камолга элтидиган, парвоз қилдирадиган ана шу икки қанот бирдай ишлаша, бола соғлом, одоли, билимли бўлиб вояга етади. Масалага шу нуқтага назардан ёндашиб, ўйлаб кўрайлик, бугун мактабларда қандай шарт-шароит, муҳит яратилган? Ойлада-чи?..

Ҳаммамиз кўриб-билиб, фахрлилик турибмиз, мактабларимиз бугун ҳақиқий маънода энг олий иморатга айланди. Ўқитувчининг обрўси, қадри ошди, иззати жойига қўйилди.

Буни бизнинг мактабимиз ва жамоамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёшларимиз чуқур билим олиши учун барча шароит яратилган, 700 нафардан зиёд ўқувчига 55 нафар педагог ўқитишнинг илгор усуллари — инновацион технологиялардан кенг фойдаланиб, таълим-тарбия бермоқда. Ўнлаб фан ва спорт тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида муваффақиятли катнашиб келяпти. Президентимизнинг чет тилларини мукамал ўргатиш борасидаги қарори ижросини таъминлаш учун инглиз, немис, рус тиллари бўйича тўғрақлар ташкил этилган. Соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол ав-

лодни тарбиялаш, юқорида айтилганидек, фақат мактабдаги таълим-тарбия ишларида боғлиқ эмас. Боланинг тарбияси, дарсларни қандай ўзлаштириши оилада яратилган шарт-шароит ва муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун ота-онанинг фарзанд тарбиясига жиддий эътибори керак бўлади. Шу боис мактабимиз директори Қувонч Воисова ташаббуси билан ота-оналар билан мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўқувчиларимизнинг ўқиши, тарбияси билан боғлиқ ҳамма масалалар биргаликда ҳал этилади.

Яқинда «Соғлом бола йили» Давлат дастури билан танишиб чиқдим. Фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом, баркамол этиб тарбиялашга қаратилган вазифалар кўламини кўриб, тўғриси, қувониб билан бирга зиммамда катта масъулият турганини ҳис этдим. Янада ғайрат билан, фидойи бўлиб ишлашимиз кераклигини англадим.

Халқимизнинг, Президентимизнинг энг олий орзуси ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш. Мактаб эса ана шу эзгу ниятлар бешигидир. Демак, ўқитувчилар зиммасига юртимиз келажаги, ёш авлод тақдири билан боғлиқ улкан вазифа, улғу вазифа юкланган. Буни қанчалик чуқур англаш, фахр-ифтихоримиз, гуруримиз ва масъулиятимиз шунчалик ошад.

Бибражаб ИСКАНДАРОВА,  
Урганч шаҳридаги 8-мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

### РЕКЛАМА

9. Жамият директорини сайлаш.
  10. Жамиятнинг 2014 йил фаолияти учун жамият Аудиторини сайлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
  11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
  12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
  13. Жамиятда юзага келган муддати ўтган дебитор қарздорликларни ҳисобдан чиқариш.
  14. Жамият акциядорларининг ваколатлари ва акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.
  15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
  16. Жамиятнинг ижроия органи тўғрисидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Акциядорлар йиғилишига паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахслар ишончнома билан келишлари шарт.  
Маълумот учун телефон: 251-26-47.



ТИШЛАРНИ СИФАТЛИ ДАВОЛАШ ВА УЛАРНИ ЎЗ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИШ

## ТИШЛАРНИ МОҲИРОНА ТОЗАЛАШ



тел.: 314-44-88  
[www.stomaservice.uz](http://www.stomaservice.uz)

Худудий бўлимлари йўқ

Хизматлар лицензияланган



## «Сергели деҳқон бозори»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2014 йил 25 апрель куни соат 11:00 да «Сергели деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Сергели-6, «Сергели деҳқон бозори» маъмурий биноси, 2-қават.  
Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00дан 11:00гача амалга оширилади.

### Йиғилиш кун тартиби:

1. «Сергели деҳқон бозори» ОАЖнинг 2013 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг иш фаолиятига баҳо бериш.
2. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2013 йил фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.

5. Жамиятнинг 2013 йил фаолияти бўйича йиллик балансини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2013 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

7. Жамиятнинг 2014 йилги иш бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг 2014 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TANHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslithiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460  
19546  
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21.50  
Topshirilgan vaqti — 23.10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5